

Фикҳ дарслари (212-дарс) Намозда макруҳ нарсалар (учинчи мақола)



19:00 / 06.01.2023 2272

أَمْ هُنَّ عُلَّالٌ لَا يَضُرُّنَّ أَبْعَدُ نُبَا نَع
هِيَ لَعْلَعٌ لَلْأَيْبِ نَلَا نَع
يَلَعُ دُجَسَا نَأْتُرْمُ أ: لَأَق مَلَسُو
رَأَشَأُو - هَبَجَلَا: مُظْعَأُ عَبَس
نِي دَيْلَاو - هِنَأ يَلَعُ هَدَيْب
نِي مَدَقْلَا فَا رَطَأُو، نِي تَبْكُرْلَاو
«رُعْشَلَاو بَأْيُ ثَلَا تِفْكَنَ أَلُو
هُ سَمَخْلَا هَأُو

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Етти аъзо билан: пешона - қўллари билан бурунларига ҳам ишора қилдилар, - икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учи билан сажда қилишга ҳамда кийимлар ва сочни йиғиштирмасликка буюрилдим», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

9. Имомга хос макон қилиш.

Мисол учун, имомнинг ёлғиз ўзи учун махсус баланд жой қилиб қўйиш макруҳдир. Бу аҳли китобларнинг иши.

يُرَاصُّنَ الْإِثْمَانَ دَعْوَةً
نُبْرَامَ عَمَّ نَاكُهُنَّ الْجَرِي نَتَّح
تَمِيقُافٍ، نِيَّادَمُ لِبِ رَسَاي
يَلَعَمَاقُورَامَ مَدَقَاتُفُ، ةَالَّصِلَا
هُنَمَلَفُ سَأَسَانِ لَأَوِيَّ لَصِي نَكُد
هُيَدِي يَلَعَدَخُافُ ةَفِي دُحَمَدَقَاتُف
هُلَزْنَ أَيْتَحُ رَامَ عُهُ غَبَّتْ أْف
نَمُ رَامَ عَغَرَفُ أَمَلَفُ، ةَفِي دُح
مَلَأُ؛ ةَفِي دُحُهُ لَلَأَقِ هِتَالَّص
هَلَلَا يَلَصُهُ لَلَأَلُوسَرُ عُمَسَات

لُجِّرَ لِمَا إِذَا «: لُوقِي مَلَسُو هِي لَع
عَفَرًا نَاكَم يِفْ مُقِي أَلَفَ مَوْقِلَا
لَا ق؟ كَلَذَوْحَن وَ «مِهِمَ أَقَمَ نَم
تَدَخَأ نِيحَ كُتَعَبَّتَا كَلِذَلْ: رَامَع
دُوَادُ وَبَأْ هَاوَرُ. يَدَيَّ يَلَع

Адий ибн Собит Ансорийдан ривоят қилинади:

«Бир киши менга айтиб берди. У Аммор ибн Ёсир билан Мадоинда бўлган экан. Намозга иқома айтилди. Аммор олдинга ўтиб, дўконда туриб, одамларга имомлик қилди. Одамлар ундан пастда эдилар. Хузайфа унинг олдига бориб, қўлидан тутди. Аммор унга эргашди. Хузайфа уни пастга туширди. Аммор намозидан фориғ бўлганида Хузайфа унга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қачон киши бир қавмга имом бўлса, уларнинг маконидан баланд турмасин», деганларини ёки шунга ўхшаш сўз айтганларини эшитмаганмидинг?» деди.

«Шунинг учун қўлимдан тутганинда сенга эргашдим-да», деди Аммор».

Абу Довуд ривоят қилган.

10. Масжидда туриб, меҳробга сажда қилиш бундан мустасно.

Бунда аҳли китобга ўхшашлик йўқ.

11. Олдиндаги сафда жой бўлатуриб, кейингисига туриш.

هُنَّعُ هَلْ لَ اِيضَرَ رَكَبَ يَبَا نَعُ
عَكَارَ وَهُوَ يَبْنُ لَ اِيْلَ اِيَهَتْنَا هُنَّ
فَصَلَّ اِيْلَ اِيْلَ صَيَّ نَ اَلْبَقَعَكَ رَفُ
هَلْ لَ اِيْلَ صَيَّ يَبْنُ لَ اِيْلَ ذَرَكَ دَفُ
هُنَّ لَ اِيْلَ اِيْلَ دَا زَ : لَ اَقَفُ ، مَلَسُ وَ هِي لَعُ
يِرَاخُ بَلَا هَاوَرُ . «دُعَاتِ اَلَوُ ، اَصْرَحُ

Абу Бакра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«У Набий соллаллоху алайҳи васаллам рукуъ қилиб турганларида масжидга етиб келди. Сафга етиб боришдан олдин рукуъ қилди. Кейин буни Набий соллаллоху алайҳи васалламга айтган эди, «Аллоҳ иштиёқингни зиёда қилсин, аммо бошқа қайтарма», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

12. Намозхоннинг кийимида, саждагоҳида ва орқа ҳамда остидан бошқа тарафларида ҳайвон сурати бўлиши макруҳдир.

Бу ҳолатларда намознинг макруҳ бўлиши суратга чўқинадиганларнинг ибодатига ўхшаб қолишидандир. Шунинг учун ҳам сурат хорланадиган жойда, намозхоннинг оёғи остида ва ўтирадиган жойида бўлса, макруҳ эмас. Намозхоннинг орқасидаги суратнинг ҳам зарари йўқ.

Жумлада «ҳайвон сурати» дейилишидан жонсиз нарсаларнинг сурати бўлса, зарар қилмаслиги англашилади.

13. Сурат жуда кичик бўлса ёки боши ўчирилган бўлса, майли.

Узоқдан қараган одам нималигини ажрата олмайдиган даражада жуда кичкина суратлар бўлса, намозга зарар қилмайди. Шунингдек, жонли нарсанинг суратида боши бўлмаса ҳам зарари йўқ. Бунинг далили қуйидаги ҳадисдир:

لُؤْسَرٌ يَلْعَلْ خَدُّهُ شَيْءٌ أَعْتَلَّ اقْو
يَلَّ ةُوهَسُ تُرْتَسُ دَقْو ۞ هَلْ لْ
هُ آرْ أَمَلَفُ ، لِي ثَامَتِ هِي فِ مَاقِبِ
أَيُّ «: لَاقْو ، هُوهَجْو نُّوَلَتَوْهُ كَتَه
ذُنْعَ أَبَادَعِ سَانِلَا دَشَأُ ، ةُشَيْءِ أَع
نِي ذُّلَا ةَمَاقِلَا مَوِي هَلْ لْ
تَلَّاقِ . «هَلْ لْ لَاقِبَ نُوَهَاضِي
هُنْمَ أَنْ لَعَجَفُ هَانُ عَطَقَفُ : ةُشَيْءِ أَع
نِي تَدَاسُو وَأُ ةَدَاسُو

Оиша розияллоҳу анҳо айтди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга кирдилар. Мен токчамга нафис парда тўсиб қўйган эдим. Унда суратлар бор эди. У зот уни кўришлари билан тартиб олдилар ва ранглари ўзгариб:

«Эй Оиша! Аллоҳнинг ҳузурида қиёмат куни энг ашаддий азобга учрайдиганлар Аллоҳнинг яратганига ўхшатишга уринганлардир», дедилар».

Оиша айтади:

«Шунда биз уни бўлиб, битта ёки иккита болиш қилиб олдик».

Мазкур пардадаги суратлар жонли нарсаларнинг суратлари эканлиги шубҳасиз. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, мусулмон кишининг уйида жонли нарсаларнинг сурати бўлмаслиги лозим. Жумладан, ўша сурат пардада бўлса ҳам жоиз эмас.

Аммо кесилган, йиртилган ҳолда болиш ёки шунга ўхшаш оёқ ости бўладиган нарсаларда бўлса, жоиз.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди